



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BO'SH PROKURORINING  
БУЙРУҒИ**

**Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ БО'Ш  
ПРОКУРОРИ**

Тошкент ш.  
2021 йил 30 июль,  
53-Б сон



**Yo`ldoshev N. T.**

**Раис**

Тошкент ш.  
2021 йил 30 июнь,

Келишилди:



**Шарахметов Ш. Ш.**































тегишли қўмитасини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилади.

54. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатларига киритилган шахс вафот этган тақдирда унинг қонуний ворислари уни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциявий рўйхатлардан чиқариш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1730 (2006) резолюциясига асосан тузилган Алоқа марказига ёки 1904 (2009) резолюцияси билан таъсис этилган Омбудсман Девонхонасига мурожаат этишлари мумкин.

55. Махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида шахсни БМТ Хавфсизлик Кенгаши санкциявий рўйхатларидан чиқариш тартиб-таомиллари билан танишиш имконини берувчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши расмий веб-сайтнинг тегишли бўлимлари ҳаволаси жойлаштирилади.

#### **7-боб. Яқунловчи қондалар**

56. Махсус ваколатли давлат органи тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назорат юклатилган бошқа органлар билан ҳамкорликда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади.

57. Операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш натижасида мулкий зарар кўрган жисмоний ва юридик шахслар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш чораси қўлланилган шахсга нисбатан ушбу зарарни қоплаш даъвоси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

58. Махсус ваколатли давлат органи зарур ҳолларда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, операцияларни тиклаш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва бошқа масалалар бўйича тушунтиришлар тақдим этади ҳамда уларни жисмоний ва юридик шахслар, хусусан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга, шу жумладан ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали етказди.

59. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

60. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Марказий банки, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган.